Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 3 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 39 (7036)

Da'vat

Болаларингизга яхшиликни сингдириб устиринг, уларга бахтни фақатгина шу фазилат беради.

Л. БЕТХОВЕН

Ibrat

Фарғона шаҳрида утказилган тиллар фестивалида шаҳарлари француз тилига ихтисослашган 3-урта мактаб ўғил-қизларининг чиқишлари қўпчиликка манзур бўлди. Улар соф француз тилида Ал-Фарғоний — Ал Фраганус (бобомиз Ғарбда шундай ном билан машҳур бўлган)нинг ўрта аср Оврупо фани ривожига кўрсатган таъсирини саҳнада ифодалаб беришди. Шунингдек, фестивалда шаҳарлари 25, 13, 6, 22-мактабларнинг ўқувчилари ҳам ўзбек, рус, немис ва корейс тилларида машҳур утмишларимизга эҳтиром билдиридар.

ТАРБИЯ АСОСИ

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорликда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш тўғрисидаги талаби — баркамол авлодни тарбиялашнинг асоси» мавзусида республика илмий-амалий анжуманини ўтказди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов анжуманни кириш сўзи билан очди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Алишер Азизхўжаев «Ижтимоий-гуманитар фанларнинг мустақилликни мустаҳкамлашдаги ўрни ва роли» мавзусида атрофлича маъруза қилди.

Республикамиз барча олий ўқув юртларидан ташриф буюрган ижтимоий-гуманитар факультетларнинг профессор-ўқитувчилари ушбу соҳанинг асосий йўналишлари бўйича ташкил этилган шўъбаларда фаолият кўрсатдилар.

Ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олимлари, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Камолот» жамғармаси ходимлари ҳамда оммавий-ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Нурлан УСМОНОВ

Bolangizga darslik oldingizmi?

КАМАРБАСТАЛИК

Андижон вилоят ҳокимлиги томонидан узлуксиз таълим тизимини замонавий талаб даражасидаги ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш ва етказиб бериш юзасидан махсус қарор қабул қилинди. Унга кўра, шаҳар ва туман ҳокимликлари бу ишга масъул деб белгиланди. Вилоят матбуот бошқармаси, халқ таълими бошқармаси ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаларига жорий ўқув йили учун китобларга етарли буюртмалар бериш, жойларга етказиш ва сотишни тўғри ташкил қилиш юклатилди.

Вилоят молия бошқармаси, марказий банк бўлими нашриётдан китоб сотиб олиш учун айланма маблағ билан таъминлашга етарли имтиёзли кредит ажратишни зиммасига олди.

Фарғона ва Наманган вилоятларида ҳам китоб савдосига тааллуқли ишлар намунали йўлга қўйилган. Ҳар бир ўқувчини 1998-1999 ўқув йилида дарсликлар билан таъминлашнинг аниқ ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилди. Мавжуд кутубхона фондларидан ташқари ота-оналар, корхоналар, нодавлат ташкилотлари, барча шаҳар ва туман ҳокимликлари ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш ишига жалб қилинган.

Қўшимча маблағлар маҳаллий органлар билан келишилган тарзда кам таъминланган, кўп болали оилалар таъминотига йўналтирилгани. Марғилон, Қўқон, Фарғона китоб савдоси ташкилотлари томонидан 60 дан зиёд намунали савдо хизмат жойлари ташкил қилингани эса, ишлар бир маромда кетаётганидан далолатдир. Норин, Учқўрғон, Туракўрғон туманларида ҳомийларнинг 300 минг, 400 минг сўмдан дарсликлар сотиб олишга ажратганлиги ибратли.

Ҳозиргача Фарғона вилоятида 9 номда 52800 дона дарслик сотилди. Бу 2 миллион 301 минг сўмни ташкил этади. Наманган вилоятида эса 10 номда 77150 дона дарслик сотилди. Натижада айланма маблағ ҳажми 2 миллион 700 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, келажакда йиғилган макулатуралар эвазига ҳам янги китоблар олиш режалаштирилган.

Ф. КАРИМОВ

Qaror va ijro

Яқинда мамлакатимиз ҳукуматининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Қарорда белгиланган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш, тажриба ўқув дастурлари ишлаб чиқилиши ва уларнинг синаб кўрилиши устидан назоратни таъминлаш, шунингдек, киритилган таклифларни умумлаштириш мақсадида Республика комиссияси ташкил этилди.

Шу муносабат билан мухбиримиз ушбу комиссия раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев билан суҳбатлашди.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ — ЯНГИ АВЛОД ШАКЛЛАНИШИДА АСОСИЙ БОСҚИЧ

— Ҳурматли Жўра Ғаниевич, аввало қабул қилинган қарорнинг аҳамияти, умумий ўрта таълимнинг узлуксиз таълим тизимидаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Демократик, бозор иқтисодиётига асосланган жамиятга собитқадамлик билан босқичма-босқич кириб бораётган мамлакатимизга Ватанни ардоқловчи, кенг тафаккурли, соғлом, маънавий ва маърифий жиҳатдан баркамол, иқтисодий ислоҳотларнинг моҳиятини тушунадиган ҳамда уларни янги ижтимоий муносабатларни шакллантириш орқали ҳаётга тадбиқ эта оладиган юқори малакали кадрлар зарур. Кўрсатиб ўтилган ҳислатларнинг пойдевори эса умумий ўрта таълим мактабларида қўйилади.

Маълумки, муҳтарам Президентимизнинг Республика Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» нутқида бошқа таълим турлари қатори умумтаълим мактаблари фаолияти ҳам жиддий танқид қилинган эди. Жумладан, нутқда бошланғич таълимга иккинчи даражали иш деб қараб келинаётганлиги, умумтаълим жараёнидаги уч босқичнинг ҳеч қайсисида ўзига яраша талаб йўқлиги, ўқитувчи-ўқувчи муносабатларидаги мажбурий итоаткорлик, ўқувчиларда мустақил, эркин фикр юритиш қўникмаларининг ҳосил қилинмаётганлиги, 11 йиллик ўқув тизимини илмий жиҳатдан асосланмаганлиги айтилганди. Бунда энг асосий жиҳат — мактаб битирувчиларини касбга йўналтириш ва меҳнат фаолияти қўникмалари шакланмай қолаётганлиги, йигит ва қизларимиз ўз қобилиятлари, истаклари, ижодий ва меҳнат мойилликларига монанд ҳолда ҳаёт йўлларини белгилаб олишда қийинчиликлар сезаётганликлари ва бошқа қатор камчиликлар таъкидланган ҳамда таълим тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгиланган эди.

Кейинги ярим йил давомида қўйилган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш билан боғлиқ аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу жараёнда, Президент девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари раҳбарлигида таниқли олимларимиз, ўқитувчилар, методистлар, таълим бошқаруви ходимлари ва кенг жамоатчилик фаол иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, қабул қилинган қарорнинг асосини муҳтарам Президентимиз билдирган ғоялар ташкил этади. Уларни ҳаётга тадбиқ этиш эса вазирдан тортиб, ҳар бир ўқитувчигача ўз фаолиятини танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиб, ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланишга ундайди.

Умумий ўрта таълимнинг узлуксиз таълим тизимидаги ўрни беқиёсдир. Унинг бошланғич таълим (I-IV синфлар) босқичи умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва қўникма асосларини шакллантиришга қаратилган бўлса, тўққиз йиллик умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба қўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Шу муносабат билан мен яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлаган бўлар эдим. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган мазкур қарор ҳаммамиздан амалий фаолиятимизни жадаллаштиришни талаб этади.

— Қарорда вазирлик зиммасига қисқа муддатларда давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Мазкур йўналишда қандай тезкор ишлар амалга оширилмоқда?

— Аввало, такрор бўлса ҳам стандартлар хусусида. Инглизчадан олинган бу сўз ўхшаш курсларни таққослаш учун асос қилиб олинадиган намуна, эълон, модель тушунчасини билдиради.

Маълумки, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида Республикамизда давлат таълим стандартларини жорий этиш белгиланган. Мазкур давлат стандартлари таълимнинг энг кам (минимум) даражаси ва ўқув юкламалари ҳажмига қўйиладиган асосий талабларни белгилаб беради.

Таълим мазмунининг зарурий ўзаги ҳисобланмиш стандарт воситасида мамлакат ҳудудидаги турли ўқув муассасаларида таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади, ўқув юкламалари меъёрига келтирилади, ўқувчилар билимларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади.

Давлат таълим стандартлари ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра мамлакат, ҳудуд, мактаб манфаатлари ва ваколатлари мувозанатини акс эттириши ва ўз навбатида ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиши керак. Ижобий натижаларга эришишда ҳар қайси умумтаълим мактаби давлат таълим дастури бажарилишининг асосини, ҳар бир ўқувчи эса ўзининг мамлакат ва жамият олдидаги маънавий бурчини кўра билиши лозим. Демак, ўқувчининг бурчи давлат таълим стандартида баён қилинган зарурий талабларни бажаришдан иборат бўлади. Бироқ, шу билан бирга, ўқувчига давлат даражаси билан чекланиш ёки билимларни чуқурроқ эгаллаш мақсадида

(Давоми 2-бетда)

● Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллиги ҳамда Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги ва Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмиталарнинг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг Экспорт-Импорт банки президенти ҳамда бошқаруви раиси Жеймс Ҳирмонни қабул қилиб, меҳмонлар билан мазкур банкнинг 800 миллион АҚШ долларига тенг кредити эвазига мамлакатимизда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар ва ўзаро ҳамкорликнинг бундан буёнги ривожи хусусида фикр алмашилди.

● Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ўз фаолиятини тугатиб, унинг ваколатлари янгидан ташкил этилган театр ижодкорлари уюшмасига берилди.

● Ўзбекистон Республикаси Қонуни — Ер кодекси «Халқ сўзи» газетасининг 1998 йил 2 июнь сонида эълон қилинди.

JUMLADA JAHON

● Россия Бош вазири Сергей Кириенконинг таъкидлашича, ҳукумат томонидан кўрилган қатъий чора-тадбирлар натижасида мамлакатда юз берган миллий валюта инқирозига барҳам берилган.

● Ушбу ҳафтада бўлиб ўтиши кутилаётган иккита йирик йиғинда, яъни БМТ Хавфсизлик кенгашининг фавқулодда мажлиси ва АҚШ, Франция, Германия, Япония, Италия, Буюк Британия, Канада ва Россия каби тараққий этган мамлакатлар раҳбарларининг навбатдан ташқари учрашувида Жанубий Осиёдаги кескин вазият ҳамда Ҳиндистон ва Покистондаги ядро синовлари кун тартибининг асосий масаласи бўлади.

● Индонезия Президенти Ҳабибий баёнот бериб, Индонезия халқи келгуси йилнинг бошида бўлиб ўтадиган умумий демократик сайловларда ўз парламенти ва президентини сайлаш имкониятига эга бўлишини маълум қилди.

● Ўтган шанба куни Афғонистоннинг Тоҳар вилоятида юз берган, 4 мингдан ошиқ кишининг ёстиғини қуритган зилзила оқибатларини тугатишда БМТ ва халқаро хайрия ташкилотлари фаол қатнашмоқда.

КЎЗГУДА НАВОИЙ ВИЛОЯТИ 2-БЕТ

ҚАЛОВИ ТОПИЛГАЧ... 3-БЕТ

ИСТЕЪДОДЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА 3-БЕТ

Алишер Навоий номидаги республика давлат кутубхонасида «Тасаввуф ва таассуб» деб номланган китобхонлар анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда динининг инсон ҳаётидаги ўрни, ваҳҳобийлик ва шу каби турли оқимларнинг салбий оқибатлари, тасаввуф ва таассуб ҳақида сўз юритилди. Анжуманда филология фанлари доктори Н. Комилов, таниқли адабиётшунос, Президент девони масъул ходими С. Олим, маданият ишлари вазири ўринбосари М. Абдуқундузов, Ислом тадқиқот маркази директори М. Нуриддинов, Омина масжиди имом хатиби М. Абдужалилов ва бошқалар иштирок этишди.

Анжуманни ушбу кутубхона директори Абдусалом Умаров олиб борди. Ислом тадқиқот маркази директори М. Абдужалилов ваҳҳобийлик

КИТОБХОНЛАР АНЖУМАНИ

оқими ва унинг келиб чиқиши, ушбу оқим асосчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳоб ҳақида сўз юритар экан, ушбу оқимда таассуб, яъни бирор парсага кўр-кўрона ишониш, уни қаттиқ тутиш кучли эканлигини таъкидлаб ўтишди. М. Нуриддинов ваҳҳобийлик оқимининг жамиятимизга салбий таъсири ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтди. Н. Комилов тасаввуф ҳақида сўз юритар экан, машҳур авлиёлар, уларнинг ҳаёти ва фаолияти, ёзган асарлари, уларнинг аҳамияти ҳақида тингловчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берди. Мазҳабларга авлиёликни инкор қилмагани ҳолда, ваҳҳобийлик авлиёликни инкор қилишини, бунинг сабабини ва зиддиятларни шарҳлаб ўтди. Шунингдек, С. Олим ҳижоб ва унинг келиб чиқиши, ҳижоб урф бўлган даврда унинг аҳамияти нимадан иборат бўлганлиги ҳақида сўз юритди. Хуллас, кўтарилган руҳда ўтган анжуманда тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Абдуҳамид МУХТОРОВ, жамоатчи мухбир

Imtihon

ВАТАН МАВЗУСИ КЎПРОҚ ТАНЛАНДИ

Илм масканларида жаранглаган сўнгги қўнғироқ ўғил-қизларимизнинг чеҳраларига қувонч, дилларига ғулғула солиш билан бирга улар қалбига ажойиб бир ҳис-ҳаяжон туйғусини олиб кирди. Кечагина мактаб остонасига илк бор қадам ранжида қилган жажжи болакайлар қарабсизки, битирувчи синф ўқувчилари. Улар мустақил ҳаёт сари дадил боришмоқда.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги хитой тилига ихтисослашган 59-мактабнинг 11-синф ўқувчилари она тили ва адабиёт фанидан бўладиган давлат имтиҳонига ўзига хос тараддуд, ҳаяжон ила киришди.

Ўқувчилар мумтоз адабиётга оид «Фарҳод ва Ширин» достонида илм, ҳунар ва муҳаббат ғояларининг куйланиши», XX аср адабиётидан эса «Йўлчи тимсоли ҳақидаги ўйларим» (Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида) ҳамда «Ватан туйғуси шоир ва ёзувчилар мадҳида» ва «Ватан саждагоҳим менинг» каби эркин мавзуларда иншо ёздилар.

— Иншо мавзулари яхши, — деди она тили ва адабиёт ўқитувчиси Бадриддин ака Насриддинов. — Ўқувчиларнинг кайфияти дуруст — илҳом билан ёзишмоқда. Хуснихат инсоннинг зиёлилигини белгилайди. Шуни-

(Давоми 3-бетда)



Tadbir

«АГРОИСТЕЪДОД»НИНГ ИЛК ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Ўтган йили республика ўқувчилар техник ижодиёти Маркази Янгийўл туманидаги 45-ўрта мактаб қошида «Агроистеъдод» мактабини ташкил этган эди. Ўтган вақт ичида Марказ Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлик институти ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш илмий-текшириш институти олимлари билан ҳамкорликда ўқувчиларга махсус йўналтирилган дарслар берди. Бу йил «Агроистеъдод» мактаби биринчи марта 19 нафар иқтидорли ўқувчини «учирма» қиляпти.

— Бу мактабни ташкил қилишдан асосий мақсад, бир неча йиллардан буён малакали кадрларга эҳтиёж сезаётган Янгийўлдаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-текшириш институтини маҳаллий ёш кадрлар билан таъминлашдир, — дейди биз билан суҳбатда республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази директори ўринбосари Хадича Зокирова.

Дарвоқе, мактабни тугатган ўқувчиларга Халқ таълими вазирлигининг махсус гувоҳномаси берилади.

Куни кеча «Агроистеъдод» мактабида йўналтирилган махсус фандан тест синовлари бўлиб ўтди. Уни соҳанинг етакчи олийгоҳларидан келган мутахассислар олишди. Тест натижалари кутилганидан ҳам яхши натижалар берди.

Мансур ОРИПОВ

СУРАТЛАРДА: ўқувчилар тест синовлари топширмоқдалар.

В. КИРИЛЛОВ олган суратлар

Yangilik

Куни кеча Наманган вилоятининг Норин туманида 724 ўринли янги замонавий 39-мактабнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда халқ таълими ходимлари, кекса маорифчилар, ўқитувчи ва ўқувчилар қатнашишди.

Тантанада сўзга чиққанлар вилоят шаҳар ва туманларида 1998 йилнинг ўзидагина 5400 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 13 та янги мактаб

НОРИНДА ЯНГИ МАКТАБ

фойдаланишга топширилгани, кейинги пайтларда республикамизда мактабларга эътибор кучайтирилаётгани, илм равнақи — эл равнақи эканлиги хусусида атрофлича сўз юритдилар.

Тантанали маросимда Наманган вилояти ҳокими Тўлқин Жабборов, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов, Ўзбекистон бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти директори, иқтисод фанлари доктори Расулмат Ҳусанов, Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Дилшодахон Дадажонова ва бошқалар қатнашдилар.

Маҳфуза МАВЛОНОВА, иқтисодчи

МИМ — ХАБАРЛАРИ

50 MING SO'M TEJALDI

Yaakkabog' tumanidagi 13-o'rta maktab o'quvchi va o'qituvchilarning kuchi bilan yangi o'quv yiliga taxt qilib qo'yildi. Tuman XTB 3 tonna ohak, 100 kilo bo'yoq bilan yordam qildi. Qolgan xarajatlar ichki imkoniyatlardan topildi. Natijada 50 ming so'm mablag' tejab golindi.

A. OBIDDINOV

USLUBSHUNOSLAR KENGASHDILAR

Respublika Ta'lim markazida geografiya fani bo'yicha respublika metodist o'qituvchilarining «Metodist muammolari» mavzusidagi anjumani bo'lib o'tdi. Unda O'zPFITI bo'lim boshlig'i P. Musaev, RTM kimyo-biologiya va geografiya bo'limi boshlig'i M. Tillaboeva va boshqalar fan oldida turqan muammolar xususida ma'ruzalar qilishdi.

X. ABDURAHMONOV

KECHA O'ZGACHA O'TDI

Qoraqalpog'istonning To'rtko'l tumanuidagi maktablarda ham so'nggi qo'ng'iroq tadbiri o'tkazildi. Ayniqsa 3-maktabdagi ushbu tadbir o'zgacha o'tdi. Shu kuni maktabga bundan 20 yil oldingi bitiruvchilar taklif qilindi. Tadbirni maktab direktori U. Usinov kirish so'zi bilan ochdi. Ayniqsa tashkilotchilar M. Rimboev, R. Rahimovalarning jonkuyarligi barchani quvontirdi.

G. OLLABERGANOVA

BALLI QIZLAR

Shahrixon tumanidagi 15-maxsus maktab-internatida ko'plab anjumanlar o'tkazilmoqda. Ana shulardan biri «Balli qizlar» tanlovidir. Unda 4-8-sinf o'quvchi qizlar kuch sinashdilar. Bir qator bajarilgan shartlar bo'yicha hakamlar hay'ati X. Usubalieva, Sh. Mamarasulova, Z. Imomovalarni 1, 2, 3-o'rinlarga munosib ko'rishdi.

M. RAHMONOV

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ – ЯНГИ АВЛОД ШАКЛЛАНИШИДА АСОСИЙ БОСҚИЧ

(Боши 1-бетда)

олға ҳаракатланишни мустақил равишда ҳал этиш ҳуқуқи берилади. Натижада, қийин ёки ўқувчи хуш кўрмайдиган предметни ўрганишда унга энг кам талаблар билан чекланишга имкон берилади. Бунда ўқувчи кучи етмайдиган ўқув юкламасидан халос этилиб, унга ўзининг қизиқиши, хоҳиши, қобилиятини ва интилишларини рўёбга чиқаришга, ўзи учун энг мақбул йўлни онгли ва мустақил равишда танлашга имкон берилади.

Давлат таълим стандартлари ўқув-тарбия жараёнининг барча иштирокчилари учун мажбурий тайёргарликка қўйиладиган талаблар очиқ бўлишини назарда тутади. Таълим олувчилар учун шакл ва мазмун жиҳатдан тушунарли тарзда ифода қилинган мазкур талаблар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига маълум бўлиши лозим.

Ҳукумат қарорида белгиланган муддатгача, яъни жорий йилнинг 1 августигача юқорида кўрсатиб ўтилган тамойилларга амал қилган ҳолда махсус ишчи гуруҳлари давлат таълим стандартлари лойиҳаларини ишлаб чиқадилар. Мазкур лойиҳалар 1998-1999 ўқув йили давомида тегишли таълим муассасаларида синовдан ўтказилиб, унинг натижалари асосида қайта ишланади ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилади. Давлат таълим стандартларини умумтаълим мактабида ўқитиш дастурлари билан биргаликда жорий этишни таъминлаш 1999-2000 ўқув йилидан бошланади.

— Тажриба ўқув дастурларини ишлаб чиқишда қандай мезонларга амал қилинади?

— Тан олишимиз керакки, амалдаги дарсликлар ва дастурларнинг аксарияти замонавий талабларга жавоб бермаяпти ҳамда асосан ўртача ўзлаштирувчи ўқувчиларга мўлжалланган. Шунинг учун ҳам биз дастурларнинг янги авлодини яратишимиз керак. Кейинги пайтларда биз тажрибали олимлар, методистлар, ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда мазкур масала билан жиддий шуғулландик. Таҳлиллар жараёнида биз қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратдик: ўқув-тарбиявий жараённи режалаштириш ва амалга оширишда ўқув дастурининг аҳамияти; амалдаги дастурларни ишлаб чиқишда йўл қўйилган жиддий камчиликлар ва нуқсонлар; замонавий дастурларни ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши зарур бўлган асосий омиллар, шарт-шароитлар ва талаблар (ўқувчилар ёшининг психологик хусусиятлари, материалларнинг боғланиши ва узвийлиги ва ҳ. к.); дастурларнинг тузилиши; дастур материаллари таркибига киритилиши зарур бўлган билимлар ва кўникмаларнинг турлари; қўшимчалар киритилиши, қайта ишланиши, тўлдирилиши ёки чиқариб ташланиши лозим бўлган билимлар, материаллар ва ҳ. к.

Янги дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш натижасида ўқувчиларда мустақил ижодий фикрлаш, касб танлашга ва атроф-оламга онгли муносабат ҳосил қилинади, Ватанни ардоқловчи фуқаро шакллантирилади, умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, таълимнинг узлуксизлигини, бир-бирини бевосита давом эттириш ва ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади.

— Ўқув дастурлари ишлаб чиқилгач, қарорда таъкидлангандек, улар умумтаълим мактабларида тажриба тариқасида синаб кўрилади. Мазкур жараёнга қандай тайёргарлик кетаяпти?

— Ўқувчиларга таълим бериш, уларни тарбиялаш ва ривожлантириш мураккаб жараён бўлиб, педагогик фан ва амалиётнинг жиддий ҳамкорлигини талаб этади. Тажриба-синов ишлари якунида самарали натижаларга эришиши мумкин бўлган мақбул воситалар ва шароитлар аниқланади, фаразлар ва мезонлар асослаб берилади ва ишлаб чиқилади. Қисқача қилиб айтганда, унинг натижалари илмий таҳлилга асосланган бўлиб, таълим-тарбия жараёнига янги мазмун ва воситаларни тадбиқ этишга қаратилади.

Ҳозирги пайтда, вазирлигимиз тажриба-синов ишларини ўтказиш билан боғлиқ пакет ҳужжатлари тайёрлади. Объектларни белгилашда муассасаларнинг шароитларидан, имкониятидан, кадрлар салоҳиятидан келиб чиқдик. Масалан, тажриба-синов ишларини Тошкент шаҳридаги 9-, 34-, 60-, Тошкент вилоятидаги 25-, Самарқанд вилоятидаги 34-мактаблар негизида 1998—1999 ўқув йили мобайнида олиб бориш режалаштирилган. Вилоятларда тажриба-синов мактабларини танлашда фанларни ўқитиш даражасига эътибор қаратилди. Мисол тариқасида айтсак, Хоразм ва Наманган вилоятларида математика ва информатика асослари, Андижон вилоятида давлат ва ҳуқуқ асослари синовдан ўтказилади.

Ўтказиладиган тажриба-синов ишлари натижалари мактаблар педагогика кенгашлари, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти илмий Кенгаши, Республика комиссияси мажлисларида муҳокама этиб борилади ҳамда тегишли хулосалар мамлакатимиз Ҳукуматига киритилади.

— Қарорда белгиланган, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис марказларини ташкил этиш вазифаси қандай амалга оширилади?

— Маълумки, мазкур марказлар жорий йилнинг 1 сентябрига қадар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари тузилмасида ташкил этилади. Марказларнинг вазифалари ҳам аниқ белгиланган. Улар ўқувчиларнинг қобилиятлари ва мойилликларини аниқлашлари; соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда уларни ҳар йили тиббий-педагогик текширишлардан ўтказишлари; ўқувчиларга ва уларнинг ота-оналарига психологик-педагогик ёрдам кўрсатишлари; мактаб ўқувчиларига, уларнинг қобилиятларини, касб-ҳунарга мойилликларини, қизиқишларини ва кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежидаги касб-ҳунар йўналишини танлашда кўмаклашишлари лозим.

Мазкур йўналишдаги биринчи вазифамиз, албатта, уларнинг кадрлар таркибини шакллантиришдир. Бу масалага жойлардаги ҳокимият органлари жиддий ёндошишлари керак. Биз яқин кунлар ичида марказ раҳбарларини танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва ўқишини ташкил этиш масалаларини ҳал этамиз. Бизнинг фикримизча, марказлар асосан юқори малакали психологлар билан таъминланиши зарур. Буни ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам исботлайди. Жумладан, Америка Қўшма Штатларида психологлар сони врачлар сонига нисбатан бир неча маротаба кўп.

Шу вақтгача бизнинг мамлакатимизда озми-кўпми психологлар тайёрланди, улар университетлар, институтлар, ўрта махсус таълим тизимида, мактаб ва боғчаларда, баъзилари эса ўқитувчи бўлиб ишлаб юрибдилар. Демак, янги ташкил этилиши керак бўлган марказларни психолог кадрлар билан таъминлашнинг биринчи манбаи шу мутахассислар бўлиши керак. Иккинчи манба — Бухоро, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Самарқанд, Наманган, Фарғона вилоятларида психологлар тайёрлашнинг қисқа муддатли 8 ойлик курслари бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларни битирган минглаб ўқитувчи ва мураббийлар республика бўйлаб тарқалиб кетганлар. Уларни ҳар бир туманда учратиш мумкин. Учинчи манба — Республика истеъдод Марказида, вилоятлар малака ошириш институтларида ва Марказий малака ошириш институти қошида тезлик билан махсус қисқа курслар ташкил этиб, тингловчиларга амалий психологларнинг вазифалари, биринчи навбатда ишлатилиши мумкин бўлган психологик ва педагогик ташҳис методикаларини ўргатишни режалаштирдик.

Биз бу билан чегараланиб қолмасдан, профессионал психолог кадрлар тайёрлаш масаласини босқичма-босқич ҳал этиш бўйича Республика ҳукуматига тегишли таклифлар ҳам тайёрляпмиз.

— Жўра Ғаниевич, қарорда белгиланган бошқа вазифаларнинг ижроси бўйича ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Биринчидан, мен мазкур қарор билан бир кунда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарорида қўйилган вазифаларнинг муштараклигини алоҳида таъкидлаган бўлардим. Чунки, 1-9-синфлар ўқув дастурларининг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидаги ўқитиш дастурлари билан ўзаро узвий боғланиши таъминланмоғи лозим. Шунинг учун ҳам биз ҳамма ишларимизни Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда олиб бормоқдамиз.

Иккинчидан, биз ўқувчиларнинг билим сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизимини, 5—9-синфлар битирувчиларини якуний аттестациядан ўтказишнинг тест усулларини киритиш бўйича таклифларни Давлат тест маркази билан ҳамкорликда тайёрлаяпмиз. Бунда биз асосий эътиборни ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига, уларда ижодий фаолият кўникмаларининг, атроф-оламга онгли муносабатнинг шаклланишига, тарбияланганлик, ривожланиш даражасига, касб йўналишининг шаклланганлик даражасига ва бошқа жиҳатларга қаратамиз.

— Куни кеча Республика комиссиясининг биринчи мажлиси ўтказилди. Унда муҳокама этилган масалалар нималардан иборат?

— Республика комиссиясининг мажлисида биз унинг асосий вазифаларини белгилаб олдик. Улар қуйидагилардан иборат: ўқув дастурларининг қарорда белгиланган талаблар ва муддатларда ишлаб чиқилишини таъминлаш; тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уларнинг бориши устидан мониторингни амалга ошириш; дастурларни тайёрлаш, синаб кўриш ва жорий этиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ва ташвиқот қилиш; ўқув дастурлари ва тегишли ўқув методик мажмуаларнинг ўз вақтида чоп этилишини ва жойларга етказилишини таъминлаш каби бир қатор масалалардир.

Шунингдек, комиссия мажлисида унинг 1998 йилнинг охиригача мўлжалланган иш режаси тасдиқланди. Режада бажариладиган ишлар, уларни амалга оширишга ва тайёрлашга масъул ходимлар, муддатлар аниқ белгиланган. Масалан, комиссиянинг 26 июнда бўладиган мажлисида умумий ўрта таълимнинг давлат стандартлари ҳамда 1-9 синфлар учун ўқув режа ва дастурларнинг тайёрлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилади. Ёки жорий йилнинг 21 июнидаги мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятида янги ўқув дастурларини синовдан ўтказишга тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масала ҳамда махсус ишчи гуруҳлар раҳбарларининг ҳисоботи эшитилади. Таъкидлаш жоизки, Республика комиссиясининг ҳудудларда сайёр йиғилишларини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Умуман олганда, ҳаммамизнинг мақсадимиз ҳукумат қарорида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажаришдан иборатдир.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Комиссиянинг ишида эса муваффақият тилаймиз.

DTM tahlili

КЎЗГУДА НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Навоий вилояти бўйича 1997 йилда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига 9284 абитуриент ҳужжат топширган. Улардан 4104 нафари олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларда ўқишни истаган. Абитуриентларнинг имтиҳон натижалари таҳлил этилганда, у Республиканинг ўртача кўрсаткичидан анча паст эканлиги маълум бўлади. Вилоят бўйича фақат географиядан юқори кўрсаткичга (51,85%) эришилган. Шуни ҳисобга олиш керакки, географиядан фақат 18 абитуриент имтиҳон топширган, холос. Математика, кимё, инглиз тиллари бўйича абитуриентларнинг жаволар самарадорлиги Республиканинг ўртача кўрсаткичидан 3-5% паст бўлган.

Вилоятнинг Хатирчи, Қизилтепа, Учқудуқ туманлари, Навоий шаҳарларининг абитуриентлари юқорироқ кўрсаткичга эришганлар. Хатирчи тумани абитуриентлари ўзбек тили ва адабиёти, биология, кимё фанларидан вилоят бўйича юқорироқ натижа кўрсатганлар.

Лекин, Конимех, Томди, Учқудуқ туманларидан имтиҳонда қатнашганлар паст натижа кўрсатганлар. Ҳатто Томди туманидан тарих, инглиз, немис, француз тиллари бўйича бирорта абитуриент тест имтиҳонида иштирок этмаган.

Тест натижалари вилоят халқ таълими бошқармаси, туман халқ таълими бўлими ва педагогик жамоатчилик томонидан таҳлил этилса, хайрли иш қилинган бўлур эди.

Фанлар	Жаволар самарадорлиги %*	Республика бўйича ўртача кўрсаткич %
Узбек тили ва адабиёти	42,40	43,41
тарих	48,80	49,75
математика	37,80	40,87
физика	27,80	29,26
биология	53,40	53,39
кимё	37,50	40,73
география	51,85	43,47
инглиз тили	35,30	40,63
немис тили	25,50	27,94
француз тили	28,63	31,08

*** Ушбу кўрсаткичлар қуйида жадвал шаклида берилган.**

Навоий вилояти бўйича жаволар самарадорлиги
Она тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Навоий тумани	996	41.2	488	39.3	50	36.0	458	43.8
2	Томди тумани	76	25.2	22	23.6	3	21.3	51	26.1
3	Учқудуқ тумани	70	37.7	21	43.5	6	37.5	43	34.8
4	Нурота тумани	885	43.1	386	41.5	42	47.2	457	44.2
5	Қизилтепа тумани	1250	44.7	646	46.5	68	44.2	536	42.5
6	Хатирчи тумани	1633	46.0	646	45.8	85	44.4	902	46.3
7	Конимех тумани	310	33.5	126	32.4	23	38.6	161	33.7
8	Навбаҳор тумани	1221	42.7	553	41.8	29	43.9	639	43.4
9	Навоий шаҳри	643	41.0	340	40.9	49	41.6	254	41.0
10	Зарафшон шаҳри	61	35.1	23	31.3	11	34.6	27	38.5
11	Учқудуқ шаҳри	32	30.9	23	29.3	2	29.2	7	36.5
	Жами	7177	42.7	3274	42.4	368	42.1	3535	43.2

Навоий вилояти бўйича жаволар самарадорлиги
Кимё, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Навоий тумани	117	32.8	88	36.0	20	21.9	9	25.3
2	Томди тумани	31	26.3	10	25.0	3	20.4	18	27.9
3	Учқудуқ тумани	4	27.1					4	27.1
4	Нурота тумани	83	31.8	67	31.7	13	34.4	3	21.3
5	Қизилтепа тумани	169	33.9	150	35.3	14	22.8	5	21.7
6	Хатирчи тумани	219	38.8	178	40.6	29	29.4	12	35.4
7	Конимех тумани	39	26.2	27	26.3	6	25.0	6	26.9
8	Навбаҳор тумани	155	40.9	133	41.2	14	42.7	8	31.6
9	Навоий шаҳри	73	38.2	54	42.6	14	26.4	5	23.9
10	Зарафшон шаҳри	74	36.0	3	28.7	2	19.4	69	36.8
11	Учқудуқ шаҳри	16	39.8	8	34.4	2	52.8	6	42.6
	Жами	1169	36.9	814	38.2	124	29.2	231	36.2

Навоий вилояти бўйича жаволар самарадорлиги
Тарих, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Навоий тумани	182	48.2	147	49.1	16	39.6	19	49.0
2	Томди тумани	3	9.3	3	9.3				
3	Учқудуқ тумани	20	54.4	12	59.0	3	51.9	5	45.0
4	Нурота тумани	167	47.2	135	47.3	11	43.4	21	48.0
5	Қизилтепа тумани	317	48.4	270	48.7	37	47.4	10	45.3
6	Хатирчи тумани	342	51.1	242	50.8	27	48.6	73	53.1
7	Конимех тумани	58	38.2	35	36.7	12	41.0	11	39.9
8	Навбаҳор тумани	217	48.1	204	47.9	9	54.0	4	41.7
9	Навоий шаҳри	132	50.0	110	50.2	13	51.1	9	45.7
10	Зарафшон шаҳри	37	31.4	5	52.8	32	28.0		
11	Учқудуқ шаҳри	8	33.7	2	45.8	4	26.4	2	36.1
	Жами	1655	46.5	1272	47.9	229	37.1	154	49.2

Навоий вилояти бўйича жаволар самарадорлиги
Физика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Навоий тумани	205	28.0	180	28.4	5	22.2	20	25.1
2	Томди тумани	28	22.2	9	22.5	3	27.8	16	21.0
3	Учқудуқ тумани	12	30.3	4	40.3			8	25.3
4	Нурота тумани	139	26.0	116	26.2	9	28.1	14	23.0
5	Қизилтепа тумани	145	29.2	136	29.2	5	27.8	4	31.3
6	Хатирчи тумани	159	27.6	132	27.5	12	30.8	15	25.9
7	Конимех тумани	102	24.3	45	24.6	5	22.8	52	24.3
8	Навбаҳор тумани	167	26.6	157	26.8	4	18.8	6	27.8
9	Навоий шаҳри	426	31.2	124	30.4	8	23.6	294	31.8
10	Зарафшон шаҳри	161	27.1	13	24.4	5	22.8	143	27.5
11	Учқудуқ шаҳри	130	25.3	11	25.3	6	25.5	113	25.3
	Жами	2371	31.6	1426	33.2	260	30.7	685	28.4

Навоий вилояти бўйича жаволар самарадорлиги
Биология, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Навоий тумани	289	52.7	99	51.6	4	44.4	186	53.5
2	Томди тумани	44	27.3	3	25.0	2	15.3	39	28.1
3	Учқудуқ тумани	30	35.6	2	29.2			28	36.0
4	Нурота тумани	304	47.1	70	47.7	7	46.4	227	47.0
5	Қизилтепа тумани	388	52.4	172	55.0	2	36.1	214	50.5
6	Хатирчи тумани	595	53.5	190	55.9	10	53.3	395	52.4
7	Конимех тумани	94	36.5	25	35.3	2	52.8	67	36.4
8	Навбаҳор тумани	421	54.2	128	57.1	2	45.8	291	53.0
9	Навоий шаҳри	184	48.6	43	51.7	16	28.3	125	50.1
10	Зарафшон шаҳри	98	27.5	2	25.0	73	24.5	23	37.3
11	Учқудуқ шаҳри	13	43.4	9	50.3	2	25.0	2	30.6
	Жами	2744	47.8	1027	47.0	120	30.2	1597	49.6

Навоий вилояти бўйича жаволар самарадорлиги
Инглиз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Навоий тумани	85	33.7	75	33.4	10	35.6		
2	Учқудуқ тумани	16	34.4	12	35.4	4	31.3		
3	Нурота тумани	56	39.1	51	40.5	5	25.6		
4	Қизилтепа тумани	127	35.1	107	35.7	20	32.4		
5	Хатирчи тумани	52	37.9	44	37.6	8	39.6		
6	Конимех тумани	29	35.1	23	37.1	6	27.3		
7	Навбаҳор тумани	118	27.7	110	26.7	8	41.0		
8	Навоий шаҳри	90	39.8	78	41.9	12	26.6		
9	Зарафшон шаҳри	5	52.8	5	52.8				
10	Учқудуқ шаҳри	3	39.8	3	39.8				
	Жами	581	34.9	508	35.3	73	32.6	0	0.0

Навоий вилояти бўйича жаволар самарадорлиги
География, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Навоий тумани	7	33.3	7	33.3				
2	Нурота тумани	7	57.9	5	65.6	2	38.9		
3	Қизилтепа тумани	6	40.7	6	40.7				
4	Хатирчи тумани	8	44.8	6	41.7	2	54.2		
5	Конимех тумани	2	66.7	2	66.7				
6	Навоий шаҳри	102	43.2	100	42.5	2	77.8		
7	Зарафшон шаҳри	37	48.0	35	46.8			2	69.4
8	Учқудуқ шаҳри	11	46.7	11	46.7				
	Жами	237	42.4	229	41.8	6	56.9	2	69.4

Навоий вилояти бўйича жаволар самарадорлиги
Немис тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Навоий тумани	77	24.2	70	24.5	7	21.0		
2	Нурота тумани	38	28.7	38	28.7				
3	Қизилтепа тумани	94	24.5	81	24.7	13	23.1		
4	Хатирчи тумани	155	23.8	136	24.0	19	22.8		
5	Конимех тумани	7	24.6	5	25.0	2	23.6		
6	Навбаҳор тумани	32	27.5	32	27.5				
7	Навоий шаҳри	53	27.3	40	27.2	13	27.4		
8	Зарафшон шаҳри	4	49.3	2	62.5	2	36.1		
9	Учқудуқ шаҳри	12	54.4	12	54.4				
	Жами	681	34.7	618	35.5	63	26.9	0	0.0

Навоий вилояти бўйича жаволар самарадорлиги
Математика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Навоий тумани	529	34.1	251	40.5	34	26.8	244	28.5
2	Томди тумани	34	27.4	19	28.1	3	21.3	12	27.8
3	Учқудуқ тумани	16	40.5	8	47.9	2	50.0	6	27.3
4	Нурота тумани	427	36.2	195	40.3	28	36.9	204	32.1
5	Қизилтепа тумани	635	32.5	292	38.4	36	30.1	307	27.2
6	Хатирчи тумани	722	31.9	246	34.4	55	36.4	421	29.9
7	Конимех тумани	159	28.3	70	31.7	12	28.7	77	25.2
8	Навбаҳор тумани	600	29.5	244	35.1	21	24.5	335	25.6
9	Навоий шаҳри	354	35.5	202	41.8	36	30.9	116	26.1
10	Зарафшон шаҳри	29	33.2	16	32.3	9	38.6	4	25.0
11	Учқудуқ шаҳри	23	35.4	12	33.8	8	45.1	3	15.7
	Жами	5381	36.2	2324	41.0	460	37.3	2597	31.6

Навоий вилояти бўйича жаволар самарадорлиги
Француз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Навоий тумани	16	29.5	14	29.8	2	27.8		
2	Нурота тумани	73	28.7	68	28.8	5	28.3		
3	Қизилтепа тумани	34	25.3	27	25.9	7	23.0		
4	Хатирчи тумани	75	29.0	68	30.0	7	19.8		
5	Конимех тумани	9	24.7	9	24.7				
6	Навбаҳор тумани	53	28.6	53	28.6				
7	Навоий шаҳри	13	26.1	11	28.5	2	12.5		
8	Зарафшон шаҳри	11	44.7	9	50.6	2	18.1		
	Жами	312	28.8	285	29.4	27	22.6	0	0.0

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Шимолий Афғонистонда шанба кунги кучли зилзиладан сўнг, қутқарувчилар тирик қолганларни вертолётларда вайрон бўлган қишлоқлардан олиб чиқишмоқда. Зилзила оқибатида уч мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган деб чамаланмоқда.

* * *

Ҳиндистон ҳукумати ҳарбий мақсадларга мўлжалланган давлат харажатларини ўн тўрт фоизга оширишни эълон қилди.

* * *

Покистон ўтган ҳафта ядровий қурол синовларини ўтказганидан сўнг, Карочи савдо биржасида нархлар кескин пасайиб кетган.

* * *

Эронда расмий мулозимларнинг билдиришларича, марҳум Оятулло Ҳумайний ёзган китоблар ИНТЕРНЕТ компьютер тармоғига киритилади.

Лондон, «ВВС» ўзбек хизмати

Ироқ нефть министри Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маъқуллаган план бўйича мамлакати экспорт этадиган нефть миқдорини кунда 200 минг беран кўпайтиражагини айтган.

* * *

Озарбайжон ҳукумати Каспий денгизининг нефть заҳираларини ривожлантириш ташаббуси бўйича чет мамлакатларнинг ширкатлари билан учта шартномани имзолаши кутилмоқда.

Вашингтон, «Америка овози» ўзбек эшиттириши

ВАТАН МАВЗУСИ КЎПРОҚ ТАНЛАНДИ

(Боши 1-бетда)

нг учун илм толибларининг ёзма саводхонлиги ва оғзаки нутқига алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Ҳа, устоз ўз ўқувчиси тақдири, келажаги ҳақида қайғураяпти. Бугун мактабни тарк этиб, учирма бўлаётган қалдирғочлари эртага мустақил ҳаётда, келажаги буюк давлатнинг гуллаб-яшнашида муносиб фарзанд сифатида ўз ҳиссасини қўша олармикан!..

Орадан чамаси уч соат ўтар-ўтмас ёзма ишни ёзиб бўлган ўғил-қизлар бирин-кетин чеҳраларида табассум билан чиқишди. Ўқувчиларнинг кўпчилиги эркин мавзуни танлашибди.

Мактаб Шарқшунослик институти ҳамда Жаҳон тиллари университети билан ҳамкорлик ўрнатган. Мазкур олийгоҳлар илм масканига моддий-техника базани мустаҳкамлашда ҳамда методик жиҳатдан яқиндан ёрдам бераётир. Улар орқали кўпгина битирувчилар Пекиндаги Жаҳон тиллари университетида ўқишларини давом эттиряптилар. Хитой Халқ Республикасининг Узбекистондаги элчихонаси билан мактабнинг алоқаси яхши йўлга қўйилган. Мактаб хитой тилига ихтисослашганига ҳам 40 йилдан ошди. Мазкур тил 1-синфдан бошлаб ўғил-қизларга ўқитилади. Ўқувчилар синфдан синфга кўчанларида ҳам хитой тилидан имтиҳон топширадилар. Кечагина 10-«Б» синфида мазкур фандан топширилган имтиҳон кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Ўқувчиларнинг кўпчилиги аъло ва яхши баҳо олишга муяссар бўлдилар.

— Мен Тошкент Давлат тиббиёт институтига кирмоқчиман, — деди 11-«А» синф битирувчиси Лола Жалолова. — Мақсадим ота-онам сингари шифокор бўлиб, халққа хизмат қилиш.

Ҳикмат Содиқов, Лола Шосаидова, Рустам Ризаев, Шоҳиста Маъдиева каби битирувчилар эса Шарқшунослик институтига кириш истагини билдиришди.

— Ўқитувчининг талабчанлиги кучли, замон талабларига мос бўлиши керак, — деди мактаб директори, Узбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Санобар Камолова. — Республика Президентининг «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» ҳамда «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарларидаги мустақил республикани мустаҳкамлаш баркамол авлодларга боғлиқ деган кўрсатмага амал қилган ҳолда чуқур билим ва ҳунар эгаллашлари лозимлигини ўқувчилар ва ота-оналар онгига етказиш кераклигини қалбан ҳис этган жамоамиз зарур тадбирларни амалга ошираётирлар.

Илм масканида таълим олаётган 800 ўғил-қиздан 40 нафари 11-синфни битиришади. 65 нафар 9-синф ўқувчиларидан айримлари ўқиш учун мактабда қолсалар, қолганлари эса касб-ҳунар бўйича сабоқ олишни давом эттирадилар. Меҳри дарё устозлар эса уларга она-Ватан учун муносиб фарзанд бўлишларида оқ йўл тилайдилар.

Дилбар ХЎЖАЕВА,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

Ta'limda tadbirkorlik

ҚАЛОВИ ТОПИЛГАЧ...

Мазкур мақолада гап ўқувтарбия муассасаларини қишки мавсумда иситиш ҳақида боради. Эҳтимол, эндиликда кунлар исиб кетгач, шу ҳақда сўз юритиш шартмикин, дегувчилар ҳам бўлар. Аммо бу ерда гап биринчидан, иқтисод ва тежамкорлик хусусида бормоқда. Иккинчидан эса ҳадемай тармоқда таъмирлаш ишлари бошланадики, шу пайтда биз кўтараётган масалага эътибор билан қаралса ёмон бўлмайди.

Менинг назаримда мактабларни, айниқса қишлоқ жойларда, қишки мавсумда иситиш масаласи шу соҳага мутасаддли кишиларни энг кўп ташвишлантирадиган ва каттагина маблағ талаб қиладиган муаммодир. Шуниси афсусланарлики, муаммонинг ҳал бўлмаслиги киши кўнглига ғашлик солади. Ҳолбуки, ҳозирги даврда бюджетдаги муассасаларнинг маблағ топиши осон бўлмагани бир сари, маблағ бўлганидан кейин керакли жиҳозларни топиш яна ҳам қийин.

Ўтган ўқув йилида 3 та таълим муассасасини қишки мавсумга тайёрлаш бўйича анча бош қотиришга тўғри келди. Қолганларида бу масала ҳал этилган. Энг муҳими, маблағ сарф этмай бу ишни амалга ошириш эди. Бундай объектларимиздан бири «Янги ҳаёт» қишлоғидаги 16-мактабдир.

Қозонхона, иссиқ сув узатиш қувурлари, батарея, умуман хонани иситиш билан боғлиқ бўлган барча жиҳатларни синчиклаб кўздан кечириб, ҳеч ердан қусур топа олмадик. Ҳаммаси жойида. Амалда эса хоналарга иссиқлик жуда кам етиб келмоқда эди. Нега?

Бунинг сабабини аниқладик. Иситиш қозонхонаси асосий бинодан анчагина нарида (кўпгина мактабларда ҳам шундай) жойлашган. Улкан қозонда бир амаллаб иситилган сув (бунга кўпгина маблағ сарфланади) электр насослари орқали узоқ масофадаги қувурлар бўйлаб асосий бинодаги иситиш тизимига узатилади. Маълум бўлишича, ҳосил қилинган иссиқликнинг кўпгина қисми иситилиши лозим бўлган бинога етгунча ўша очиқ ҳаводаги қувурлардаёқ беҳуда исроф бўлар ва синф хоналарини тузукроқ иситмас экан.

Хўш, нима қилиш керак? Самараси кам бўлган бундай иситиш тизимини ўзгартиришнинг иложи йўқмикин? Шу ҳақда ўйлай бошладиму турмушда кўриб юрганим, бир нарса хаёлимда чарх ура бошлади. Масалан, уйларда битта «АГВ», яъни газ ёрдамида иситиш қозони билан 5-6 хона бемалол иситилади. Нима учун мактабларда бир неча ихчам «АГВ»ларни асосий бино ичкарисига ўрнатиш мумкин эмас?

Шуларни ўйлаб, мутахассислар ва раҳбарлар билан маслаҳатлашдим. Харажатлар ҳисоб-китоб қилинди. Масаланинг эндиги нозик томони маблағга келиб тақалмоқда эди. Чунки янги иситиш тизимини жорий этиш учун ҳам маблағ керак...

Хаёлимга яна бир фикр келди-да ихтисослашган ташкилот раҳбарлари олдига бордим:

— Сизларга пулат қувурлар керак эмасми?

Мактаблар мутасаддисидан бундай таклифни кутмаган қурувчилар таажжубланишди: мактабларда қувур нима қилсин.

Лекин улар саволимга қатъиятлик билан жавоб кутаётганимни сезгач, керак дейишди.

Мен уларни мактабга бошлаб бориб, қозонхонадан мактабгача тортилган қувурларни кўрсатдим ва:

— Мактабга бир неча «АГВ» ўрнатиб, иситиш тизимини шунга мослаштириб берсангизлар, шу қувурлар сизники бўлади, — дедим.

Қурувчилар жуда бафуржа ўтириб, қайта-қайта ҳисоблаб, чамалашиб, охири таклифимга рози бўлиб, 8 та «АГВ» келтириб, ўрнатишди ва газга улаб беришди.

Фақат бугина эмас. Бу таълим муассасаси энди мактабни иситиш учун керак бўлмай қолган каттагина қозонхона биносини бирор фирмага ижарага бериш ёки мактаб эҳтиёжига ишлатиш, шунингдек, каттагина қийматга эга бўлган электромотор, сув узатиш насослари, қозонлар, электр кабеллари ва бошқа ускуналарни сотиб, ўқув базасини мустаҳкамлаш имкониятига ҳам эга бўлди?! Энг муҳими мактабни маблағсиз сифатли иситиш амалга оширилди.

Улуғбек номли ширкатлар уюшмасидаги мактабда бу борадаги мақсадимизни яна бошқачароқ вазиятда амалга оширдик. Бу ерда ўқув машғулотлари учта мослаштирилган биноларда ўтказилар, учта бинода ҳам иситиш қозонхонаси мавжуд эди. Синфхоналар иситилмаслигидан ташқари ҳам ноқулай. Мактабнинг ёнгинасида эса уч-тўрт йилдан бери фаолиятини тўхтатиб қўйган болалар боғчасининг каттагина биноси қаровсиз турарди. Айни пайтда бир неча оилалар уйга муҳтож экан.

Биз вазиятни таҳлил қилиб, туман халқ таълими, ширкатлар уюшмаси ва уйга муҳтож кишилар уч томонлама шартнома туздик. Шартнома шартига кўра, биз ихтиёримиздаги мактаб биноларини хўжалик ихтиёридаги боғча биносига алмаштирадиган, оилалар эса ўз маблағлари ҳисобидан боғча биносини мактаб учун таъмирлаб, керакли «АГВ»лар ўрнатиб берадиган ва биз ташлаб кетган мактабларни уй-жой қилиб оладиган бўлишди. Шартнома тула руёбга чиқарилди, биз маблағ сарфламаган ҳолда қулай, қишда иссиқ мактабга, хўжалик зарур эҳтиёжи учун ишлайдиган биноларга, бир неча оилалар эса уй-жойларга эга бўлишди.

Иситиш тизимини дастлаб тажриба тариқасида шу йўсинда бир-икки мактабда ўзгартирар эканмиз, янги тизим олдингисига қараганда бекиёс афзалликка эга эканлигини англадик. Яъни асосий мақсад — синфхоналар исталган даражада иситилишидан ташқари катта миқдорда иқтисодий самара ҳам берди. Масалан, ҳисоб-китоблар битта мактабда жорий қилинган янгилик туфайли бир миллион сўмликдан ортиқ иқтисодий тежамкорликка олиб келди. Ҳолбуки, кейинги беш йил мобайнида туманимизда 10 та мактаб ва болалар боғчалари иситишдаги янги тизимга ўтказилди. Демак, бир неча миллион (11 миллион) сўмлик иқтисодий самара кўрдик. Электр қуввати ва водопровод сувига эҳтиёж қолмади. Эски усулда иситишда ҳар бир муассасада 4 киши шу иш билан банд бўлар эди. Эндиликда эса бу ишни бир киши бажармоқда. Ҳар бир мактаб ва боғчада электр мотори қуйиши, насос ишдан чиқиши ва бошқа ташвишлардан халос бўлинди. Энг эътиборли жиҳати, мактабларнинг қирчиллама қиш кунларида ҳам нормал ишлаб турганлиги, ўқувчиларнинг яйраб билим олганлигидадир. Илгарилари баъзан ўқув машғулотлари ҳафталаб тўхтаб қолар, бунинг натижасида ўқувчиларга берилиши зарур бўлган билим берилмас, уларнинг саломатлигига ҳам путур етказилар эди. Хўш, бу ҳолга чек қўйилгач, бундан келадиган фойдани неча сўм билан баҳолаш мумкин?

Тадбиркорлик орқасидан кўплаб муаммоларни ҳал қилдик. Қишлоқ мактаблари ҳаётига хос бундай муаммони бошқа туманларда ҳам шу тариқа ечиш мумкин бўлганлиги учун бу ҳақда газетага ёзишни лозим топдим.

Ҳамза ЭШНАЗАРОВ,
Мирзаобод тумани халқ таълими бўлими мудири

«Yil tarbiyachisi»

МУВАФФАҚИЯТ СИРИ

Табиат гўзаллик манбаи. Инсон табиат қўйнига қанчалик чуқурроқ кириб бораверса, унинг кўзига олам шунчалик хилма-хил ва гўзал кўринаверади. Зулхумор Зайниддинова иш фаолиятида ана шу ғояни илгари суришга алоҳида аҳамият беради.

Зулхумор Хоразм вилояти Боғот туманидаги 1-«Гулгўнча» ясли-боғчада 1987 йилдан буён мурғак қалбларга мураббийлик қилаётир. У машғулотларини ҳозирги замон талаблари асосида ўтади. Зулхумор ўзбек миллий бурчаги, ота-оналар бурчаги, ижодий бурчак, табиат бурчаги, болаларни касбга йўналтирувчи бурчаклар ҳамда «Узбекистон — Ватаним маним», «Президентимиз — фахримиз», «Соғлом авлодни тарбиялаймиз», «Иқтисодиётни ўрганамиз», «Эртаклар оламида», «Табиат қўйнида» каби бир қанча стендлар ташкил қилган. У ўзининг ҳаққон, эпчил, билимдонлиги билан жамоада обрў қозонган.

З. Зайниддинова туманда ўтказилган «Узбекистон — Ватаним маним» ҳамда «Севимли ўйинчоқлар» кўриктанловларида қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди. У ноанъанавий машғулотларни ўз вақтида кўргазмали қуроллар асосида дилбандларни қизиқтирган ҳолда ўтади. У ҳозирги кунда иқтисодиёт ҳамда «Маънавият ва маърифат» хоналарини жиҳозлаш устида иш олиб бораётир.

— Мен, — дейди «Йил тарбиячиси» вилоят кўриктанлови ғолибаси Зулхумор Зайниддинова, — «Миллий боғчани қандай тасаввур қиласиз?» мавзуида ишламоқдаман. Бунинг учун миллий ўйинчоқлар, лой, қоғоз, ёғочдан ва табиий ташландиқ ашёлардан ўйинчоқлар ясамоқдаман. Уларни ясашда гигиена қоидаларига риоя қилиб, нуридийдаларнинг ёшига ва психологик хусусиятига эътибор бераман.

«Йил тарбиячиси» республика кўрик-танловида ҳам омад Сизга ёр бўлсин, Зулхумор!

Дилбар ХЎЖАЕВА

Til o'rganuvchilar uchun

КИМ УРҒУНИ ҚАЕРГА ҚЎЯДИ

● Сўз бўғинларидан бирининг бошқаларига нисбатан кучлироқ овоз (ёки оҳанг) билан айтилиши урғу деб юритилади. Урғу қабул қилган бўғин урғули бўғин дейилади. Урғу одатда, бўғиннинг унли товушига тушади. Урғу ўз сифатига кўра икки хил булади: 1) динамик урғу; 2) мусиқий (ёки тоник) урғу.

● Динамик урғу — рус, украин, белорус, арман, қозоқ, озарбайжон каби тилларга, шунингдек, ўзбек тилига ҳам хосдир.

● Мусиқий урғу — серб тили, литва тили, хитой ва япон тилларида мавжуд.

● Кўпгина тилларда урғунинг сўз бўғинларига тушиш ўрни турличадир. Масалан, венгер, латиш, чех тилларида урғу асосан, сўзнинг биринчи бўғинига тушади.

● Поляк, малай тилларида сўз бўғинларининг охиргисидан олдинги бўғинга; туркий тилларда эса, асосан, сўз бўғинларининг охирига тушади.

● Славян тилларидан ҳозирги рус тилида урғу — эркин урғу ҳисобланиб, у сўз бошида ҳам, сўз ўртасидаги бўғинда ҳам ва сўзнинг охирги бўғинида ҳам бўлиши мумкин.

● Жаҳон тилларининг баъзиларида сўз (лексик) урғуси қарийб сезилмайди. Бундай тилларга мисол қилиб таниқли рус тилшуноси, академик Л. В. Щерба француз тилини келтиради. Таниқли фонетист, профессор Л. Р. Зиндернинг фикрича, Шимолий ва Шимолий-Шарқий Осиёнинг бир қатор тилларида, шунингдек, Шимолий Американинг (палеоазиат тилларида) ҳамда тунгусо-маньчжур гуруҳидаги баъзи тилларда сўз урғуси умуман йўқ.

● Жаҳон тилларида урғунинг қўйилиш ўринларини аниқ билиш — нутқ равонлигини ва тушунарлилигини таъминлайди.

Суннатулла РИЗАЕВ

МУСАВВИРЛАР МУСОБАҚАСИ

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, ҳукуматимиз томонидан буюк алломаларимиз ижодини тиклаш, уларнинг бой меросини ўрганиш, ҳаётга тадбиқ этиш учун қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда. Жумладан, шу йилда буюк мусаввир, нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам ўчмас из қолдирган қилқалам соҳиби Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги кенг миқёсда нишонланиши айни муддаодир.

Яқинда Жиззах вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтида Камолиддин Беҳзод таваллудига бағишланган ижодкор ўқувчилар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан ўқувчилар қатнашиб, уларнинг 100 дан ортиқ рангтасвир асарлари намойиш этилди.

Танловда Фориш туманидаги 79-урта мактаб ўқувчиси Д. Абдураҳимов ва Зомин туманидаги 12-мактаб ўқувчиси Х. Сангированинг ижодий ишлари юксак баҳоланиб, улар ғолиб деб топилди. Шунингдек, Зарбдор тумани 1-мактаб ўқувчиси Х. Каримов ҳам ўз ишлари билан муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринни эгаллади.

Танлов иштирокчиларда катта тассурот қолдирди.

Р. ЎРОЛОВ,
М. УЗОҚОВ

АВЛОДЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНАМИЗ

Одамга одамликни бахш этган, жамиятни маънавиятли қилган нарса илм-фан, ақл эканлиги барчамизга маълум. Доно халқимиз «илм — ақл чироғи», «ақл камолоти илмдадир» деб бежиз айтмаган. Буюк аждодларимиз ва алломаларимиз бутун умрларини илм-фанга бағишлашининг боиси ҳам шунда. Улар мерос қилиб қолдирган бой илмий хазинага бугунги кунда кенг йўл очилиб, ёш тадқиқотчиларимиз изланишлар юргизмоқда.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида илм-фан байрами — «Ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий ва буюк аллома Аҳмад ал-Фарғонийларнинг илмий меросини ўрганиш»га бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Мазкур университет ректори, профессор Ж. Бўронов илмий-амалий анжуман қатнашчиларини табриклади. Сўнг академикларимиздан А. Асқаров ва А. Қаюмовлар, филология фанлари номзоди У. Уватов, доцентлар М. Ҳасанов ва Т. Тошпўлатовлар, талабалардан француз филологияси факультетининг 4-курс талабаси Ф. Соипова буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида, шу даврда Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий аҳвол хусусида, аждодларимизнинг илм, таълим-тарбия ҳақидаги ҳадисларию қарашлари тўғрисида маърузалар қилишди. Шу ўринда ушбу анжуманни ташкил қилиб, ўтказишда француз филологияси факультети жамоасининг ибратли ташаббусини алоҳида айтиб ўтиш жоиздир. Чунки барча анжуман қатнашчилари мамнуният билан ана шундай анжуманлар талабаларнинг ворислик туйғусини кучайтириши, уларни ўз диёрида эркин фикрлашга чорлашини таъкидлашди.

Нур АЛИ

Маълумки, мустақиллик йилларида ҳукуматимизнинг истеъдодли ўқувчи-ёшлар келажагига оид ўнга яқин қонун ва қарорлари ҳаётга татбиқ этилди. Уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус жамғармалар ташкил этилди. Жумладан, республика «Истеъдод» маркази (РИМ) ҳам шу мақсадда тузилган илмий-тадқиқот ўчоғи ҳисобланади. РИМ томонидан бу йил 9-11-синфлар ўртасида ўтказилган тест натижаларига кўра, республикамиз бўйича 1188 нафар истеъдодли ўқувчилар танлаб олинди. Тестлар махсус тузилган бўлиб, ҳақиқий зеҳнлиларни аниқлашга қаратилган. Педагогик-психологик таҳлилга асосланган бундай тестлар ўқувчидаги умумий билим савияси билан бирга аниқ фанларга лаёқатини, дунёқарашини, психологияси ва хулқ-атворини аниқ баҳолай олади. Бу эса истеъдодли ўқувчи-ёшларнинг интилишларини аниқ белгилаш, уларнинг янги-янги имкониятларини очишга хизмат қилади.

ИСТЕЪДОДЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

Тошкент шаҳридан зеҳнли деб топилган ўқувчилар 138 нафарни ташкил этган эди. РИМ томонидан қилинаётган ишларни ривожлантириш ва таҳлил қилиш мақсадида эндигина биринчи ўқув йилини якунлаётган Тошкентдаги 324-мактаб залида ана шу 138 нафар зеҳнли ўқувчилар ота-оналарининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев раислигида ўтган йиғилиш, зеҳнли болаларни саралашдан мақсад, унинг аҳамияти, ижтимоий ҳимоялар, кафолатлар ва бошқа муаммоларни ҳал этишга бағишланди.

РИМ директори, профессор Ботир Қодиров раҳбарлигида энг ривожланган мамлакатларнинг таълим тизими функциялари чуқур таҳлил қилинганда, тараққиётнинг кўпгина омиллари аниқланди. Ёшлар ўртасидан истеъдодлиларини саралаб олиш, ихтисослаштириш, тўғри йўналтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва улардан миллат, Ватан, қолаверса жамият тараққиёти йўлида фойдаланиш ривожланишнинг энг муҳим шартларидан бири деб баҳоланди.

Йиғилиш давомида халқ таълими бўлими ходимлари, ота-оналар, «Камолот», «Улуғбек» жамғармалари бошқаруви раислари ўртасида республика «Истеъдод» марказининг зеҳнли ўқувчиларни аниқлаш ишлари муҳокама қилинди. Истиқболдаги режалари тўғрисида мунозаралар бўлиб ўтди. Қизғин кечган мунозараларда ота-оналар, айниқса, кўпгина таклифлар билан чиқдилар.

Ҳозирда, истеъдодли, зеҳнли деб топилган ўқувчиларга қандай имтиёзлар, кафолотлар, ёрдам ва эътибор кераклиги ҳақида фикрлар алмашилди.

«Истеъдод» марказининг мақсади ва вазифалари тўғрисида Б. Қодиров қуйидагича фикр билдирди:

— Айни пайтгача зеҳнлиларни аниқлаш технологиясини яратдик ва уни такомиллаштириб борамиз. Эндиги асосий вазифа улар истеъдодини рўёбга чиқариш. Саралаб олинган ўқувчилар ўн беш йил давомида бизнинг илмий тадқиқот марказимиз томонидан мунтазам назоратда бўлади. Асосий эътибор ҳар бир ўқувчининг биографияси, келиб чиқиши, унга доимий таъсир этиб турувчи омиллар, ирсияти ва бошқаларни чуқур ўрганишга қаратилади. Бу ишда ҳар бир туман халқ таълими бўлими қошида ташкил қилинадиган педагогик-психологик назорат марказлари яқиндан ёрдам беради. Шу йўл билан уларнинг қайси соҳага лаёқати кучли эканлигини аниқлаб, тўғри йўналтиришга эришишимиз мумкин.

Истеъдод, зеҳн ва қобилият каби фазилатлар бизнинг халқимизга ҳам, миллатимизга ҳам хос. Негаки, биз неча йиллар давомида жаҳон цивилизациясига улкан ва бетакрор ҳисса қўшган инсонларнинг авлодларимиз. Буюк ишлар қила олишлик қонимизда бор. Бу билан фахрланишга, маънавий баҳра олишга ҳақлимиз. Лекин дунё олдида фақат мавжудлигимизни намоён қилиб қолмай, мавқеимизни ҳам юксалтириб боришга бурчлимиз. Бунинг учун истеъдодли ёшларга эътибор беришдек хайрли ишлар кўламини кенгайтириш керак. Республика «Истеъдод» маркази фаолиятига, ташаббусларига ота-оналар, жамоат бирлашмалари, ҳокимликлар ва юқори органлар кўмаги айниқса зарур.

Фахриддин ТУРДИАЛИ ўғли

Qutlug' ostona

БОЛА — МЎЪЖИЗА

Самад Неъматовнинг ҳаётида хушнуд, ҳаяжонли воқеалар кўп бўлган: қарийб чорак аср муқаддам Бухоро давлат педагогика институтининг тарих факультетини тугатганида, ўзи таҳсил кўрган 4-мактабда ўқитувчи сифатида биринчи дарсга кирганида, бир-биридан ширин фарзандлари Саиджон ва Гуласал дунёга келганида олам назарида нурга йўғрилгандек туюлган... Ким билсин, унинг дил тубида яна қанча ардоқли, мароқ билан эсланадиган кечинмалар ётгандир. Лекин Самад муаллим ўзи туғилиб ўсган Ғиждувон туманидаги Ф. Хўжаев номидаги жамоа хўжалигидан узоқ-узоқда — Тошкентда бўлиб ўтган республика ўқувчиларининг билимдонлар беллашувида юз берган бир воқеани ҳам ички ифтихор, ғурур, шукроналик билан ёдга олади.

Шу куни ўқувчиси Муҳиддин Мансуров унинг кўп йиллик заҳматли меҳнати, эзгу ниятини руёбга чиқарди, ишончини оқлади. Муҳиддин мамлакат олимпиадасида тарих фанидан қатнашиб, 100 балли имкониятдан 98 балл тўплашга эришди. Катта муваффақият қозонган Муҳиддинни биринчи бўлиб Самад муаллимнинг ўзи оталарча меҳр билан бағрига босиб олқишлади. Шу лаҳзада устоз-шогирд қувончи оламга сиғмасди.

— Бола кашф этилмаган, имконияти чексиз мўъжизага ўхшайди, — дея узоқдан гап бошлайди Самад муаллим ўқувчисининг муваффақияти ҳақида мулоҳаза юритар экан. — Уни ота-она ва ўқитувчи ўз вақтида илғаган, биргаликда ҳаракат қилган ва бамаслаҳат ишлаган тақдирдагина тўла юзага чиқариш мумкин. Муҳиддин ҳам шундай кашф қилинди.

Ҳа, Самад муаллим ҳақ. Олимпиадада фаол иштирок этган ёки бўлмаса таълимда юқори кўрсаткичлар бераётган бошқа ўқувчилар ижтимоий аҳволи билан яқиндан танишсангиз, аввало, уларнинг оиласида ота-она бола тарбияси, эртанги куни учун қайғураётганлиги, қўлидан келгунча зарур шарт-шароит яратиб бераётганлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз. Ёки аксинча боши берк кўчага кириб қолаётган, суднинг қора курсисига ўтираётган, гулдай умрини панжара ортида хазон қилаётган навқирон замондошларимиз шахсий ҳаётига назар ташласангиз улар улғайган оилада эрхотин муносабатлари ёмонлиги, маънан носоғломлиги, фарзанд тарбияси, тақдири ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигининг гувоҳи бўласиз.

Ўқитувчисининг ёнида одоб сақлаб, суҳбатимизни диққат билан тинглаётган Муҳиддинга қарайман. Ниятлари билан қизиқаман. Олимпиада натижасига кўра олий ўқув юрти талабаси бўлиш бахтига эришган бу йигит ҳадемай, битириш имтиҳонлари тугагач ҳуқуқшунослик факультетига кириб ўқимоқчи. Унинг қарашларида қатъият, фикрида теранлик, келажакка чексиз ишонч ҳукмрон. Келгусида дилига жо этган мақсадига эришишига, ҳаётда ўз муносиб ўрнини топишига, ҳуқуқий-демократик жамият қуришдек улуғвор мақсадга эришишда, қонун устуворлиги, адолат барқарорлигини таъминлашдек сермашаққат ишда шу қалби тонг муждаси янглиғ покиза йигитнинг ҳам муносиб улуши қўшилишига жуда-жуда ишонаман.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
Бухоро вилояти халқ таълими ходимларининг «Бухоро муаллими» газетаси муҳаррири
СУРАТДА: С. Неъматов ўз шогирди Муҳиддин билан.

1998 yil — Oila yili

ТАҚҚОСЛАШ

Оилада фарзанд иқболини фақат иқтисод белгиламайди. Уни меҳнат камолга етказади. Оила бошлиқлари — ота ва она фарзандга тўғри йўл кўрсатиши, унинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллашига имконият яратиб берган бўлишлари керак. Чунки улар келажакда жамиятни бошқаради, ижтимоий тараққиётга ўз ҳиссаларини қўшади.

Ёшлардаги ажойиб хусусиятлардан бири рағбатга муҳтожликдир. Бу нарса ота-она, ўқитувчи-устозлардан доимо ҳушёр бўлишни ва одилликни талаб этади. Фарзанд оила гули, жамиятда келажак фуқароси.

Қишлоғимиз катта. Бу ерда ҳамма ҳар бир оила ҳақида билади. Хонадонда ўсиб-улғаяётган ўғил-қизларнинг феъл-атвори, ён-атрофдагилар билан муносабатида оиланинг иқлимини кўрамиз. Мен ўқитувчи сифатида ана шундай икки оилани таққосламоқчиман.

Эшқул акалар оиласи маҳалладаги серфарзанд хонадон. Ота жамоа хўжалигида ишчи, она уй-рўзғор ишлари билан банд. Улар камтар, камсуқум, меҳнатда тобланган кишилар. Ота-она фарзандлари билан биргаликда шахсий томорқаларида, уйда шуғулланиб, тирикчилик қилишади.

Уларнинг фарзандлари ҳам мактабда «аъло» баҳоларга ўқишади. Ота-оналарига шогирддек, бешик-сандиқ ясашларида қўл-қанот.

Омонберди акалар оиласи эса бунинг акси.

Ота давлат иши билан кўпроқ ташқарида. Шу боис фарзандлар тарбиясига вақти камроқ. Она касалманд, ўзи билан ўзи овора.

Демак, бу оила фарзандлари тўлиқ назорат қилинмайди. Улар маънавият ва маърифатдан четда қолишган. Натижада фарзандлардан бири ўғрилик қилганлиги туфайли ички ишлар бўлимига тушган. Ва ота-онанинг, қариндош-уруғларнинг юзини ерга қаратган.

Фарзанд — оиланинг қувончи, бахти. Ҳар бир ота-она зурёди учун ўзини ўтга-чўққа уради. Ўз навбатида ўғил-қизлар ҳам вояга етиб, ҳаётдан ўз ўринларини топганларида ота-оналари шаънига фақат яхши гаплар айтишлари керак.

Х. НОРҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти, Қўшработ туманидаги 56-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси

УМР ЙЎЛЛАРИ

Инсон илм учун хизмат қилиши лозимлигини тушуниб етса, шунда комилликка интилиш унинг имкониятлари билан боғланиб, инсон ўзи учун ҳикматли ҳаёт бешигини ясай олади. Шу бешикда ўзини-ўзи тебратиб, эзгулик аталмиш сарчашмалардан лаззат олиб яшайди. Айниқса, шундай ҳолатда инсон ўз фикрини эл, халқ ўртасида тарғиб этса ва уни қўллаб-қувватловчилар топилса, демак илм инсонийлик хусусиятини кашф этади. Чунки инсонийлик бўлмаган илмда қадр бўлмайди.

Агар инсонийлик ва илм ҳақида гап кетганда, аввало, унинг ифодаси шахс жамолида мужассам бўлсагина, нур устига нур бўлади. Сиз кўриб турган суратдаги инсонда ушбу икки жиҳат ҳам ўзаро чамбарчас боғланиб кетган, десак хато бўлмас. Дарҳақиқат, инсон умри айнан бир-бирига ўхшамаган йўлларда ўтади. Шу йўллар инсонни маълум манзилларга етаклайди. Унга илҳом беради, унга ҳузур бахш этади. Умуман, «йўллар» хусусида педагогика фанлари доктори, профессор Пўлат Магзумовдан сўраганимизда ҳеч иккиланмасдан «инсонни илм йўли етакласин экан» дедилар.

Дарвоқе, камтарин олим Пўлат ака Магзумов педагогика фанини ривожлантириш, унинг ютуқларидан ёш бўлажак олимларни кенг баҳраманд қилишда жонкуяр устозлардан ҳисобланади. Олим педагогнинг илмий-тадқиқот ишлари ҳаётимиз талаблари билан ҳамнафас бўлиб, юқори савияли ўринбосарлар етиштириш билан ҳам узвий боғлиқдир. У кишининг раҳбарлигида ва тарбиясида етишиб чиққан моҳир педагог-олимлар ҳозирда ижодий-илмий ишлар билан Республикамизнинг турли олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Домла ўз математик ҳисоб-китобларини фалсафий тафаккур қилиб, педагогик нуқтаи назар билан «илм йўли»ни айтган бўлсалар керак. Биз ҳам изланувчан, зукко олим Пўлат Магзумовга танлаган йўлида ҳормайтолмай меҳнат қилишини ва кўплаб шогирдларни ҳам шу йўлга бошлашида ижодий баркамоллик ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.

Қаюм БОЙМИРОВ

Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот тумани техник моделлаштириш марказида турли хил тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Бу ердаги А. Сейтмуратов раҳбарлик қилаётган тўгракда болалар ҳар хил машиналар ва техник аппаратлар моделларини ясашни ўрганмоқда.

СУРАТДА: А. Сейтмуратов ўз шогирдлари билан тумандаги 41-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Fайрат Ўрозалиев ясаган XXI аср поезди моделини муҳокама қилишмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат

Xullas...

ҲАЙВОНЛАР ҲАМ КУЛАР ЭКАН...

Кулишни фақат инсонларга хос деб ўйласангиз, янглишасиз. Жонзотлар ҳам кулар экан. Ҳа, асло таажжубланманг, америкалик олима аёллар ўтказган тажриба бу фикрни исботлайди.

Бу жуда қизиқ тажриба. Олималар каламушнинг ҳар ёғига тегиниб қитиқлашди. Шунда жонвор беихтиёр ҳингиллаб юборди. Қойил қолмай бўладими? Тажриба ўтказувчилар каламушнинг бу товушини магнитофонга ёзиб олишди.

Бундан зўрроқ ихтиро йўқдиров!

АРОҚ ҚУВУРЛАРГА ОҚИЗИЛДИ

Литвадаги вино-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган компаниялардан бири жами 5 минг литрлик спиртли ичимликларни қувурларга оқизишди.

Нархи осмонда бўлган бу ичимликларнинг сақланиш муддати ниҳоясига етувди. Эссиз, уларни ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар қанча эди! Компания директорининг таъкидлашига қараганда, қувурларга 600 литр виски, 200 литр ароқ ва 4 минг литр турли хилдаги винолар тўкиб юборилган. Компания раҳбарлари инсоф-диёнатни нафсдан устун қўядиганлар тоифасидан, шекилли. Ахир бу ичимликлар сотиладиган бўлса, қанчадан-қанча кишиларнинг заҳарланиши аниқ эди.

ПУЛДОР БЎЛСАДА, КАМТАР...

Япониялик Йошики Цуцуми Кобе шаҳрида яшовчи бойваччалардан бири. Унинг жамғармаси 20 миллиард доллар. Аммо шунча маблағ эгаси бўлишига қарамай, унинг оиласи оддий яшайди. Уч хоналик квартирада яшовчи оила аъзолари фақат тантанали кунлардагина гўштли таомлар ейишади.

Цуцумининг корхонасида 50 минг киши ишлайди, деб хабар беради «Япон таймс» газетаси. «Ема, ичма, бўл бахил, бой бўлмасанг мен кафил», деганлари шудир-да...

ana shunaqa gaplar

Xotira

ИЛМ ВА ҲУНАРНИ ОШУФТА БИЛАРДИ

Яхшилик меваларидан татиб кўрганингда шу яхшилик уруғини эккан фидойи инсонлар ёдга тушади. Ўз умрининг эллик йилини таълим ва тарбияга бахшида этган Эшмамат ака Бекназаров ҳаётини болаларсиз, ўқувчиларсиз тасаввур қилолмасди. У айни уруш пайти 1944 йилда ўзи туғилиб ўсган Чироқчи туманидаги Чувуллоқ қишлоқ мактабида бошланғич синфларга дарс берди. Эшмамат ака Самарқанд ва Бухорода олий маълумот олиш билан бирга таълим соҳасида тинимсиз меҳнат қилди. Оддий ўқитувчиликдан туман халқ таълими бўлими мудирлигигача босиб ўтган ярим асрлик умри илм ва ҳунар ошуфталигига бағишланган эди. Устознинг нияти, болани ўқитиш билан бирга ҳунарга йўналтириш, касб-корлик қилиш эди. У туманда мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинатининг ташкилотчиси бўлди. Бугунги долзарб масалалардан бўлган илм олиш билан бирга ҳунар ўрганиш заруратини бир умр ҳис қилиб яшади. Шу йўлда меҳнат қилди.

Президент Фармони билан Эшмамат акага Узбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими унвони берилиши ҳам меҳнатининг муносиб тақдирланиши бўлди.

Жонкуяр педагог оилада ҳам, жамиятда ҳам ибрат бўлиб яшади. Фарзандларини ўқимишли, ҳунарли қилиб вояга етказди. Эшмамат аканинг турли соҳаларда меҳнат қилаётган авлодларидан бугун ҳамма миннатдор. Уларнинг яхши ишларидан баҳраманд бўлаётган ҳар бир киши марҳум Эшмамат ака руҳини ёд айлаб, дуога қўл очади.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ

Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Республика Рассомлик коллежи 1998-99 ўқув йили учун қуйидаги бўлимларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Бадиий либос.
2. Лок миниатюра.
3. Таъмирлаш.
4. Бадиий кулол.
5. Грим.
6. Ранг тасвир.
7. Театр декорацияси.
8. Дизайн.
9. Ганч ўймакорлик.
10. Мусиқа асбобларини таъмирлаш.
11. Ёғоч ўймакор.
12. Бадиий нақш.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 6-уй.

Sport

Ўқувчилар ўртасида баскетбол мусобақалари финал беллашувлари Бухоро шаҳрида, волейбол мусобақалари Навоий шаҳрида ўтказилди. Баскетбол бўйича қизлар беллашувида Самарқанд командаси учрашув чемпиони бўлди. Усмирлар ўртасида ҳам пойтахт вакиллари голиб чиқишди. Самарқанд, Бухоро командалари 2-4-ўринларни олишди.

Волейболчилар беллашувида ҳам пойтахт вакиллари (усмирлар ва қизлар)га омад қулиб боқди. Усмирлар ўртасида самарқандликлар иккинчи ўринни эгаллашди, Қизлар ўртасида фарғоналиклар (қизлар) учинчи, хоразмликлар (усмирлар) ва самарқандликлар (қизлар) учинчи ўрин соҳиби бўлишди. Майдон эгалари — навоийликлар (усмирлар ҳам, қизлар ҳам) тўртинчи ўрин эгаси бўлишди.

«Камолот» ёшлар жамқармаси финал мусобақалари голиблари кубок ва қимматбаҳо совринлар билан мукофотланишди.

Сентябрь ойида «Камолот» финал мусобақалари голиблари бўлган командалар ўртасида волейбол ва баскетбол бўйича суперфинал ўтказилади. Ўйинлар фақат ўқувчилар гуруҳларида уюштирилади.

F. МАННОПОВ

НАВБАТ СУПЕРФИНАЛГА

Республика «Камолот» ёшлар жамғармаси ва Халқ таълими вазирлиги қўшма қарорига кўра, ўқувчилар ҳамда ходимлар ўртасида волейбол ва баскетбол мусобақалари ўтказилди. Умумтаълим мактабларидан то ҳудудий ва финал мусобақаларигача беллашувларда 300 мингдан ортиқ киши қатнашди. Тўрт ҳудуд бўйича ходимлар ва ўқувчилар ўртасидаги беллашувларда эркак ва аёллар, ўқувчилар беллашувларида усмирлар ва қизлар командалари голиблик учун қизғин курашдилар.

Баскетбол бўйича Жиззах шаҳрида аёллар ўртасида ўтказилган финал учрашувида Тошкент шаҳри командаси биринчи ўринни эгаллади. Навоий вилояти иккинчи, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари вакиллари учинчи, тўртинчи ўринларни эгаллашди. Эркаклар ўртасида Бухоро вилояти учрашув голиби бўлди. Андижон, Қашқадарё, Тошкент вилояти спортчилари 2-4-ўринларни олишди.

Волейбол бўйича Чирчиқ шаҳрида ўтказилган мусобақалар ҳам қизғин курашлар остида ўтди. Аёллар ўртасида пойтахт командаси турнир жадвали тепасидан жой олди. Кейинги ўринлар Фарғона, Самарқанд, Навоий вилоятлари спортчиларига насиб этди. Эркаклар ўртасида ҳам тошкентликлар пешқадам бўлишди. Самарқанд, Андижон, Бухоро командалари 2-4-ўринларни эгаллашди.

Sport

«ЧЕЛЛЕНЖЕР» ЯНА ТОШКЕНТДА

Шу ҳафтада пойтахтимизнинг «Динамо» теннис кортида аёллар ўртасида «Челленжер» халқаро турнири бошланди. Мазкур турнир соврини 50 минг АҚШ долларини ташкил этиб, унда жаҳоннинг 100 га яқин кучли теннисчилари иштирок этмоқда.

ҚИЛИЧБОЗЛАР САРАЛАНДИ

Тошкентда якунланган қиличбозлик мусобақалари Москвада ўтадиган 1-Жаҳон ўсмирлар ўйинлари олдидан кўрик вазифасини ўтади. Рапира бўйича бўлган баҳсларда пойтахтимиз вакили С. Литвинов энг юқори натижалар кўрсатиб, турнир пешқадами бўлди. Шунингдек, андижонликлар Р. Кудаев ва Т. Ҳамроевлар ҳамда тошкентлик Д. Гулмамедов фахрли ўринларни эгаллади.

ОИЛАЛАР БАҲСГА ТУШГАНДА

Наманганда «Оила йили»га бағишланган «Отам, онам ва мен — аҳил спортчилар оиласи» шиори билан оилавий қувноқ стартлар мусобақалари бўлиб ўтди. Уйчи туманидан келган Губайдуллинлар, тўрақўрғонлик Аллабердиевлар, чустлик Музаффаровларнинг оила аъзолари фахрли ўринларни эгаллаб, ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

МАШҲУР ДАРВОЗАБОН ВАТАНИГА ҚАЙТДИ

Москванинг «Спартак» футбол жамоаси собиқ дарвозабони Ринат Дасаев бир неча йилдан сўнг Испаниядан ватанига қайтиб келиб, ўз жамоасида ёш дарвозабонлар билан машғулотлар юргизмоқда. У «Спартак»нинг «Динамо» (Киев) билан «саксонинчи йиллар юлдузлари» ўйинида майдонга тушиб, «оқ-қизиллар»нинг дарвозасини ҳимоя қилади.

БРАЗИЛИЯЛИК «ОЛТИН БОЛА»

Испаниянинг «Бетис» футбол жамоаси Бразилиянинг «Сан-Паулу»сига 23 миллион фунт стерлинг пул тўлаб, ярим ҳимоячи Денилсон де Оливейрани «сотиб» олди. Футбол оламида «Олтин бола» деган ном олган 20 ёшли бу футболчидан бўлажак жаҳон биринчилигида кўп умид кутилмоқда.

maydoncha si

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Алишер Навоий номидаги Хива педагогика билим юртининг собиқ директори

Роза Ивановна БИЛОЛОВА

вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти жамоаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош мутахассиси Тоҳир Иброҳимовга укаси

Баҳодир ИБРОҲИМОВ

вафоти туфайли таъзия изҳор қилади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси шу қўмитанинг молия бўлими мудираси Шоира Иброҳимовага укаси

Баҳтиёр ИБРОҲИМОВ

вафоти туфайли таъзия изҳор қилади.

МАКТАБГА КУЗАТИШ

«Меҳржон» боғида бугун тантана,
Бундайин байрамлар бўлди анъана.

Сабабчиси эса кичкинтойлардир,
Еттига тўлган ширинтойлардир.

«Меҳрибон» уйида яшаган улар,
Оқ ювиб, оппоқ таралган улар.

Байрам либосига ўралгандир боғ,
Болалар қўлида гуллар бир қучоғ.

Китоб-дафтар тутган, улар қўлига,
Поёндоз ташланган юрган йўлига.

Шаҳар ҳокимию таълим вазири,
Қилишган жонини улар назири.

Лекин болаларнинг диллари хира,
Кўзлари жовдираб тин олмас сира.

Атрофга мўлтиллаб недир излайди,
Кўз ёшин чиқармай дилда бўзлайди.

Отам кеттан кимнинг этагин ушлаб?
Юргандир ҳозир лабини тишлаб?!

Онам эса билмам кеттан қаёққа,
Билса балки келар мен турган ёққа!

Эҳтимол тушгандир номард қўлига,
Чиқолмай юргандир тўғри йўлига.

Эй! Ота-оналар эшитинг бизни,
Биз ёдда сақлаймиз ҳар доим СИЗни!

Биз Ватан қўйнида ўйнаб ўсгаймиз,
Яхшилар ўрнини албат босгаймиз.

Ортиқбой ЮСУПОВ

ОДАМ — СИРЛИ, ОДАМ — ЖУМБОҚ

(«АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ» ТУРКУМИДАН)

Ҳунарманду усталарни
Меҳр ила йиғдим доим.
Шул инсонлар заҳматила
Ярқиради Оқсаройим.

* * *

Камтаринлар ўзини
Феъли билан суйдирар.
Мақтанчоқлар қавмини
Ваъда билан тўйдирар.

* * *

Ўйлаб гапир, қўнгил ранжир
Арзимаган бир сўз билан.
Аммо-лекин олиб бўлмас
Дилни баъзан минг сўз билан.

Ko'ngil bitiklari

* * *

Кураш тушсанг, белингга
Тағин похол бойлама.
Илонсифат одамга
Асло шафқат айлама.

* * *

Одам — сирли, одам — жумбоқ,
Буни фаҳм эт дилингдан сен.
Одамларни биламан деб,
Қоқилмагин тилингдан сен.

* * *

Турланади олам минг хил,
Шундай, ҳаёт қонуни бул.
Аммо-лекин тенглашолмас,
Турланишда одамга ул.

* * *

Уюшган бир давлат учун
Фатҳ этдим мен кўп юрт, элни.
Аммо, жоно, ололмадим,
Сендаги ул бир кўнгилни.

* * *

Юртим деган ўғлонни
Суюб, доим сийладим.
Юртга бефарқ бўлганни
Бул — юртсиз, деб ўйладим.

Юсуф БЕРДИЕВ

ЭЪЛОНЛАР!

Давлат таълим стандартлари Республика инспекцияси ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар бир ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Мустақиллик хиёбони, 5-уй.

Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан 1998 йил 15 апрелда П. Н. Ермакбоев номига берилган 1006264 рақамли хусусий тарзда савдо-сотиқ фаолиятини олиб бориш учун берилган патент йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 21-мактаб томонидан 1982 йилда Убайдуллаева Ҳамида Асомовна номига берилган В-217382 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Китоб туманидаги 45-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Шуҳрат Ҳайдаров номига берилган А N 230591 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Ҳулкар ТУЙМАНОВА,
Алишер НАЗАРОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-098. Тиражи 43.795. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.30. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6